

(Ÿ_{3A})

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг ноябрь ойида навқирон спортчиларимиз ўзларининг дунё спорт майдонларида қозонган қатор ғалабалари билан юртдошларимизнинг қалбига катта қувонч, фахр ва ифтихор туйғуларини олиб кирди. Хусусан, АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида бухоролик Аббос Атоев жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса футбол бўйича 2008 йили бўладиган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларини муваффақиятли аяқлаб, финал босқичига йўлланма олди.

Спорт фарзандларимизнинг иродасини тоблайди, қалбиди ўз халқи, юрти билан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлайди, - деди Президентимиз Ислам Каримов. - Зеро, фахру ифтихор инсон учун ўзининг юксак мақсадларига эришишда катта таянч ва мадад бўлади.

Болаларни спортга кенг жалб этишда жойларда ўтказилаётган мусобақаларнинг аҳамияти катта. Ҳушчир-ёшлар иштирокидаги "Ал-поминш-Барчиной", "Қувнок-стартер", "Соғломжон - полвонжон", "Умид-ниҳоллари", "Ёзги таътил" каби спорт мусобақалари, Жамғарма соврини учун футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, спорт ва бадий гимнастика, акробатика, сузши, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган бешлашувлар яхши самара бераётди.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳволи ва истикболига ат-

рофлича тўхталди.

Мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ қишлоқ болалари ҳақида қайғураётганимиз ўз самарасини бермоқда, - деди Юртбошимиз. - Мактаблар куриш, таъмирлаш, умуман мактаблар фаолияти билан шуғулланиш 3-4 йиллик иш эмас, балки доимий, узлуксиз жараёнدير.

Ҳар қандай муаммога мантиқий нукта назардан ёндашмай туриб, ечим топиш мушкул. Жумладан, ўзбек қизларини спортга жалб этишдан олдин, маҳаланинг нозик ҳижатларини чуқур таҳлил қилиш лозим. Аввало, спортнинг ҳамма тури ҳам халқимизга, айниқса, ифбатли ва, ибодил қизларимизга тўғри келавормайди. Шу маънода кейинги йилларда чекка қишлоқларда ҳам спортнинг нафис тури бўлган бадий гимнастика ва спорт гимнастикани изчил ривожлантириш таҳсинга сазовор. Бунда Ўзбекистон Бадий гимнастика федерациясининг ёрдами катта бўлаётди. Ҳозир жойларда спортнинг мазкур тури билан 7 мингга яқин қиз мунтазам шуғулланмоқда.

Мактабларда болалар спортини ривожлантиришда мутахассис ўқитувчи-мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 25134 нафар жисмоний тарбия ўқитувчининг салмоқли қисми олий маълумотлидир. Юртбошимиз ўқитганидек, шахар ва қишлоқларимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли

шарт-шароит яратиш болалар спорт мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиш тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига 2006-2008 ўқув йилларида 436 нафар қиз ўқишга қабул қилингани эътиборга лойикдир.

Президентимиз яна бир муҳим масалага эътиборни қаратди. Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, аввало Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни самарали ҳал этиш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини янада теранроқ англамоғи даркор.

Ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси - мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни чуқур англаб етиш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит, шу жумладан спорт билан шуғулланиш учун зарур имкониятлар яратишдан иборат. Зеро, спорт билан машғул бўлиш маънавий юксалишни муҳим мезонларидандир.

Йиғилишда қайд этилганидек, Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим вилоятлардаги қурилиш ташкилотлари спорт иншоотларини қуриш нархларини ошириб, фойдаланишга

топишириш муддатини асосиз равишда чўзиб юбормоқда.

Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, спорт секциялари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, бунда қизларни спорт машғулотларига кенгроқ жалб этиш борасида суствашилик кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича маҳалали тегишли ҳодимлари, мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар етишмайди.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни спортга жалб этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Ҳар бир Меҳрибонлик уйи ўзи жойлашган ҳудуддаги тегишли спорт мактабига бириктириб қўйилмоғи даркор. Қишлоқ мактабларида ўқийдиган қизларни, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларини спорт машғулотларига фаол ва мунтазам жалб этиш масаласи ҳам доимий эътиборни талаб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азиев, Н.Хонов, иқтисодиёт вазири Б.Ҳўжаев, халқ таълими вазири Т.Ҳўраев, халқ таълими вазирининг ўринбосари - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Н.Кучерский ва баъзи вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

ФАОЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

фракция аъзолари муҳокамасида бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб депутатлар янги тахирдаги "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Ушбу масала бўйича қўйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Олим Усаров маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад ноширлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат, - деди, жумладан, маърузачи. - Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати наширларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик фаолияти, молиявий манбалари, уларга дотациялар ажратиш ва бошқа шу каби норма-тир киритилаётганлигидир.

Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўша мажлисидаги маърузасида белгилан берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, йиғилиш муҳокамаларида таъкидланган

нидек, амалдаги қонунда ноширлик фаолиятига алоқадор қатор тамойиллар эътибордан четда қолган. Нашриётларни таъсис этиш тартиби, муассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат рўйхатидан ўтказилиши, наширёт Низоимининг структураси, ноширлик фаолияти бўйича лицензияга эга бўлмасдан адабиётлар нашр қилиш тартиби ҳамда бошқа қондалар назарда тутилмаган эди. Натижада қатор наширётлар узоқ вақт мобайнида муассислар низомида асосида фаолият юритиб келдилар. Янги қонун лойиҳасида эса илк мартаба наширёт маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тартиби, ҳуқуқларни бериш ва олиш мувофиқлаштириш масалалари, нашр шартномалари, босма нашининг электрон тури, адабиётларни лицензиясиз чоп этиш ва тарқатиш каби тартиблар алоҳида бўлимлар сифатида берилмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини янада мукамаллаштириш мақсадида таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ноширлик фаолиятини тартибга солиш ва тақомиллаштиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари "Ўзбе-

кистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам қўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова маъруза қилди. Нотик қонун лойиҳаси ногиронларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

Ногиронлар жамятда моддий-маънавий қўмакка муҳтож қатлам ҳисобланади. Юртимизда мустақиллик йилларида уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ногиронларнинг ижтимоий, ҳуқуқий таъминотини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди. Фракция аъзолари лойиҳани янада тақомиллаштириш, айрим жиҳатларига аниқлаштириш киритиш мақсадида ўз таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Фракция йиғилишида яна бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири

"Адолат" СДП: машаббус ва тағбирлар

Мирзо Улуғбек туман партия Кенгаши Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловидаги иштироки тўғрисида семинар ўтказди.

Ҳамза туман Кенгаши "Аёл ва сиёсат" деб номланган давра суҳбати уюштирди. Унда тумандаги фаол тадбиркор аёллар қатнашди.

Ҳўжабод туман Кенгаши ва туман ЁХБ ҳамкорлигида Жомий номли маҳалла фуқаролар йиғинида "Ёнгинг хавфсизлиги ойлари" муносабати билан тадбир ўтказилди.

Зафаробод туман Кенгаши 1 декабрь - ОИТСга қарши халқро кураш кунини муносабати билан "Биз ОИТСга қаршимиз" мавзусида тадбир уюштирди. Тадбирда мактаб ўқувчилари ва коллеж талаблари қатнашди.

ЁШЛАР ИҶОДИГА БАФИШЛАНДИ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан "Осиё рамзи" ҳамда "Дом стили" модельерлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Style.Uz" мода ва дизайн ҳафталиги доирасида ёш модельер ва дизайнерларнинг "Underground" модалар намойиши бўлиб ўтди.

Мода ва дизайн ҳафталигининг ўзига хос лойиҳаларидан бўлган ушбу тадбирда иқтидорли дизайнерлар ўз иход намуналарини тақдим этди. Бунда либослар яратишда мато танлаш, унинг шакли, андозасига эркин, илҳомий ва айна пайтда ноъбанавий ёндошув асосида тайёрланган моделлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадий академиясини Камолитдин Бехзод номиди Миллий расмлик ва дизайн институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Республика расмлик коллежи, "Либос", "Қолибри" мода ва дизайн мактаблари талаба-ёшларининг ишлари "Эксперимент", "Янги талқин", "Келажак ҳақидаги ўйлар" каби номинациялар бўйича намойиш этилди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида ёш ижодкорларнинг графика ва фотосарларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Сайловлар бевосита демократиянинг ёрқин намоёни бўлишидир. Демократия эса бошдан кечирилган таъриблар, ўзаро келишувга, масъулиятга асосланган ҳақиқий аҳамият касб этади. Мустақил Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда эркин фуқаролик жамятини ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бориб, суверен давлат сифатида ўзининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳалардаги ютуқларини янада ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг асосий тамойилларига мувофиқ, демократик жамятга хос бўлган сайлов тизими шакллантирилди. Хусусан, 2007 йил 23 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунларнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, мазкур муҳим сиёсий жараён фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолияти охиш бораётган демократик вазият билан боғлиқ равишда уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб, мамлакат келажиги учун масъулият ҳиссини шакллантиради.

Энг муҳими, сайловларга оид миллий қонунчиликмизда сайлов ҳуқуқига доир халқаро меъёрлар ҳам тўла инобатга олинган. Чунинчи, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши белгиланган бўлиб, бундан ташқари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқининг бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита чеклашга мутлақо йўл қўйилмади. Ушбу қонунда бевосита фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш назарда тутилди.

Сайловлар жараёнида фуқаролар ўз хоҳиш-истакларини, орзу-умидлари ва ижтимоий қайфиятларини намоён этишлари. Фуқароларнинг бу каби сайлов ҳуқуқини амалга оширишга оид устувор қонун нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида белгиланган бўлиб, фуқаролар жамят ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақилида орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур конституциявий нормага асосан фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади.


Ушбу конституциявий ҳуқуқ "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24, 24.1, 24.2 моддаларида янада кенгроқ ёритилган бўлиб, мазкур ҳуқуқ фуқаролар томонидан сайловчилар ташаббус гуруҳини тuzиш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи алоҳида қонун билан кафолатланиши катта аҳамиятга эга. Чунки, мазкур қонун нормалари орқали сил-лал ҳимоясида бўлиши белгиланган бўлиб, бундан ташқари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқининг бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита чеклашга мутлақо йўл қўйилмади. Ушбу қонунда бевосита фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш назарда тутилди.

Бугунги кун мавзуси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

ХАЛҚ МАНФААТИ МУЖАССАМ



Ҳар бир давлатда тузумни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Конституция деган устувор юридик аҳамиятга молик ҳужжат зиммасига юклатилган. Соддароқ айтганда, Конституция давлат ҳокимияти субъектлари ва олий давлат органлари фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқий акт.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси, яъни халқимизнинг сиёсий тафаккури ва ақл-заковати кўзгуси бўлмиш олий ҳуқуқий ҳужжати қабул қилинганига яна бир неча

кундан сўнг 15 йил тўлади. Демак, ўн беш йилдирки, Бош Комиссиямиз адолатнинг ҳақсизлик, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабаланиш муҳрлаб келмоқда. Халқ манфаатлари негизига қурилган мазкур ҳужжат ҳар томонлама пухта ишланганлиги, у ўн беш йилдан буюн, деярли ўзгаришларсиз амал қилмоқда. Бу унинг олис истикболни қўллаб-қувватлаганига натижадир.

Тўғри, ҳар қандай қонун сингари Конституция ҳам вақт ўтиши билан вазият тақозасига, ҳаёт ривожига кўра ўзгаришларсиз қолиб кетмайди, албатта. Жаҳон таърибисидан маълумки, дунёда мутлақо ўзгармай қолган Конституция йўқ. Бундай ўзгаришлар ҳам қўшимчалар билан ҳам бўлиб, аммо улар Бош Комиссиянинг асосий мазмун-моҳиятини ўзгаришлардан ҳолда қиритилмай, ва демократик ривожланишга ҳамроҳанг амалга оширилди. Жумладан, мамлакатни янгилаш, модернизациялаш, демократлаштириш ва, пи-

ровардида, фуқаролик жамятини қуриш борасидаги мақсадларга эришилганлиги таъкидланган. Шунингдек, сайлов жараёнида фуқароларимизнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини очик, ошкора ифода этиш, уларнинг марказ ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш йўлида ҳам ўзгаришлар бўлгани - демократик тараққиёт самарасидир.

Қисқаси, буларнинг барчаси негизда халқ ва унинг фаровонлиги, манфаати, ҳақ-ҳуқуқлари муҳимаси. Конституциямиз эса айна халқ манфаати, унинг фаровонлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари негизда қурилган.

Жасур ҲАҲМАНОВ,
ТДЮН магистранти

Йонга корпорация бошқарувини қонунга зид равишда ўтказмоқчи бўлган.

Бизнесменнинг боши узра қора булут қўлака солгани биринчи мартаба эмас. Авваллари у сувдан қурак чиқишга муваффақ бўлган. Бироқ эндиликда вазият анча мушкуллиги айтилмоқда.

МАЪЛУМОТЛАР РАД ЭТИЛДИ

Эрон президенти Махмуд Аҳмадинажд Тохрон ва Пхеньяннинг ҳарбий, жумладан, баллистик ракета ишлаб чиқариш соҳасида яқин алоқалари ҳақидаги маълумотларни инкор этди. У бу ҳақда Япониянинг "Йомиури" газетасига берган интервьюсида маълум қилган.

Эрон Шимолий Корея билан ҳарбий ҳамкорлик қилмайд, дейди президент. Фарб ва Япония матбуотида Тохронинг баллистик ракета ишлаб чиқариш учун КХДР технологиясидан фойдаланиши ҳақидаги чиқишлар бир неча марта қутилган эди. Шунингдек, Пхеньяннинг ўз ракеталарини Эрон полигонла-

рида синовдан ўтказганлиги ҳақидаги хабарлар ҳам тарқалган.

2012 йилда 120 ТА ЛОЙИҲА



ОПЕК янги лойиҳалар учун 150 миллиард доллар сарфлайди. Ҳозир дунё бозорига нефть нархнинг кескин кўтарилиб кетганлиги турли ёқлиги маҳсулотларнинг нафақат тақчиллиги, балки қимматлашишга сабаб бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятини зарур чоралар билан қўришга ундамоқда. Нефть экспорт қилувчи давлатлар - ОПЕК томонидан 2012 йилда 120 та йирик лойиҳанинг амалга ошири-

лини ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан биридир. Ташкилот аъзолари келгусида нефтни қайта ишлайдиган йирик заводларни қуришни мўлжалламоқда. Бу кунга яна 5 миллион баррель нефть қазиб олиш имкониятини беради.

Эслатиб ўтамиз, ОПЕК давлатлари дунё нефть бозорининг 40 фоизига эгалик қилади.

С.ХОЛБЕКОВ,
Бекобод туман ДСН бошлиги

Буркина-Фасо ҳукумати жодугарларга, яъни афсунгар саналиб яшаш жойларидан ҳайдаб юборилган аёлларга шахсини тасдиқловчи ҳужжат бера бошлади.

Фарбий Африкада жамятдан ажратиб қўйилган ва буткул қашшоқликда яшайдиган бундай аёллар сонинг миқдори нафари ташкил этади. Буркина-Фасо ана шундай аёлларни жамятга қайтариш ҳаракатида. Лойиҳани амалга ошириш 500 нафардан ортиқ жодугар истикомат қилдиган Уагадугу-Тангине ҳудудидан бошланди.

ЖОДУГАРЛАР УЧУН ҲУЖЖАТ


Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимиздаги банкларнинг Самарқанд вилоятидаги филиаллари ўз фаолиятларини миқросозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали ривожлантирмоқда. Натижада вилоят аҳолиси, тадбиркорлар банклар томонидан тақлиф этилётган ҳар хил хизмат турларидан самарали фойдаланишмоқда. Банк хизматлари орасида, айниқса, кредитларга талаб юқори. Бу табиий, албатта, чунки вилоятда тадбиркорлик ҳаракати барқарор ўсиб бораётган. Банкларнинг бўш пул маблағларини депозитга жалб этиш орқали кредитлаш жараёни сифатини яхшилаб бориш, пировардида, вилоят иқтисодийётини юксалтириш, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Қуйида биз мамлакатимиздаги тўртта етакчи банкнинг вилоят иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қиламиз.

ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Вилоят иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиги асосий соҳа ҳисобланади. Бу йил самарқандликлар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда ажойиб натижаларга эришдилар ва бунда «Пахта-банк»нинг хизмати алоҳида эътирофга молик. Банк мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридидаги муаммоларни ечишда салмоқли ишларни амалга оширмоқда, ишлаб чиқаришга бозор механизмларини жадал олиб кирмоқда. Айниқса, инвестицияларни аниқ жойлаш-



тириш, уларнинг самарадорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Банк фаолиятининг тактика ва стратегияси агросаноат мажмуидаги қишлоқ корхона ва ташиқлотлар, унга ёндош соҳалар, кичик агробизнес, қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган.

Мақсад аниқ бўлса, саъй-ҳаракатлар шу мақсадга эришишга қаратилса, албатта, муваффақият таъминланади. Банк бугунги кунда ўзининг асосий мақсадини капиталлашга даражасини янада ошириш, иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида ўз иштирокини фаоллаштиришда кўрмоқда. Натижалар ҳам чакки эмас: банкнинг жамланма капиталли 2007 йил 1 январь ҳолатига 6,9 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йил 10 ойи якуни бўйича 10,2 миллиард сўмга етди. Банк активлари эса (2007 йил 1 январь ҳолатига 39,5 миллиард сўм) жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 58,2 миллиард сўмга ўсди.

Банкнинг вилоят филиали бошқарувчиси Бадриддин Насриевнинг айтишича, жорий йил охиригача банк капиталли 12 миллиард сўмга етказиш ёки йил бошига нисбатан 5,1 миллиард сўмга ошириш, активларини эса 75,9 миллиард сўмга етказиш ёки йил бошига нисбатан 36,4 миллиард сўмга ошириш мўлжалланган.

2007 йил 1 ноябрь ҳолатига аҳоли омонатларининг жами қолдиғи 8 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан муддатли ва жамғарма омонатлар қолдиғи йил бошига нисбатан 2,3 миллиард сўмга кўпайди. Эътиборлиси, бу маблағлар зўлиқ билан иқтисодиёт тармоқларига инвестиция шаклида йўналтирилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 10 ойи давомида қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг жами икки юздан ортқ техника сотиб олиш бўйича тузган лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, «Клас» компаниясининг (Германия) 22 та «Доминатор-130» русумли дан ўриш комбайни унун 3 миллиард, 80 та «ТТЗ-80» русумли трактор унун 1,7 миллиард, 60 та «МТЗ-80» русумли трактор унун 1,5 миллиард, 75 та «2ПТС-4» русумли тиркама унун 337,5 миллион сўм, комбайнлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда галла ўрими мавсумига пухта тайёргарликни таъминлаш мақсадида «Агромашсервис» бирлашмасига қарашли МТПларга қарийб 4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Пахта ва галла хомашёсини етиштириш унун бу йил 26,9 миллиард сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар ажратилиб, шундан 20,9 миллиард сўми пахта ва 6 миллиард сўми галла етиштиришга мўлжалланди. Булардан ташқари, галла майдонларини занг касаллиги ва пахтаги бегона ўтлардан асраш мақсадида ўсимликларни химоя қилиш марказларига ажратилган 450 миллион сўмдан ортқор кредит маблағларига 4,5 минг тоннадан зиёд қиммий дорилар харид қилинди. Шунингдек, вилоятда пиллачилик соҳасини ривож-

лантиришга ҳам муҳим вазифа сифатида қаралиб, 800 миллион сўмдан зиёд кредит ва бўнақ маблағлари ажратилди. Бунинг самараси ўларок, 2600 тонна сифатли «кумуш тола» етиштирилди.

Агросаноат тизими иқтисодиётимизнинг таянч устунларидан. Шубҳасиз, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам, хали ишга солилмаган бизнес қиралари ҳам талайгина. Аммо буни пайқаш, лойиҳалар истиқболини олдиндан кўра билиш банк ходимларидан ўз ишларига малакали ёндашувни талаб этади. Бинобарин, агросаноат корхоналари билан ишлашнинг ҳадисини олган вилоят «Пахтабанк» ходимлари аграр ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш

тириш, уларнинг самарадорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Банк фаолиятининг тактика ва стратегияси агросаноат мажмуидаги қишлоқ корхона ва ташиқлотлар, унга ёндош соҳалар, кичик агробизнес, қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган.

ушун барча воситаларни сафарбар этмоқларди. Бу, асосан, қишлоқ ҳўжалиги моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, камхарж технологияларни фаол жорий этиш, қишлоқда замонавий инфраструктура шакллантиришда намоён бўлимоқда:

– агросаноат тизимини барқарор ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш;

– қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни ривожлантириш;

– хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, фермер ҳўжаликларини кредитлаш;

– чорвачилик, агрофирмаларни ривожлантириш;

– қишлоқ ҳўжалигига замонавий техника ва технологиялар олиб киришни молиялаш;

– озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кредит ресурслари билан таъминлаш;

– сув ҳўжалиги объектиларини янгилаш, қайта таъмирлаш, ерларнинг мелiorирув хoлатини яхшилаш;

– қишлоқ аҳолисига истеъмол кредитлари ажратиш.

Бундай лойиҳаларни молиялаштириш орқали банк қишлоқ меҳнатқашлари турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Банк филиалларида нақд пул тушумини кўпайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 10 ойи мобайнида 117,8 миллиард сўм нақд пул тушумига эришилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 185 фоизга кўп демакдир. Жумладан, савдо тушуми бўйича ўтган давр мобайнида 69,5 миллиард сўм банк кассаларига топширилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 фоиз кўпайди.

Нақд пул тушумининг қўшимча манбаларини яратиш ҳамда аҳолининг уяли алоқа воситалари хизматидида фойдаланишда янги қулайликлар яратиш мақсадида МТС ва «Билайн» қўшма корхоналари билан банк филиали ўртасида келишув шартномалари тузилди. Шунга қўра, уяли алоқа телефонлари унун экспресс тўлов карточкаларини банк кассаларидан сотиш йўлга қўйилди. Натижада Жумладан, жорий йилнинг январь-октябрь ойлари мобайнида ушбу соҳадан 2,4 миллиард сўм нақд пул банк кассасига тушишга эришилди. Бу миқдорларнинг оялик маошларини, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлашга имкон берапти.

МИЖОЗ ИШОНЧИ — БИРЛАМЧИ

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг барча туманларида акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг филиал ва минн банклари муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоятнинг Иштихон, Тайлоқ, Нуробод ва Қўшрабод туманларида минн банклар фаолияти йўлга қўйилди.

Банкнинг вилоят филиалидан олинган маълумотларга қараганда, 2007 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами 556 та тадбиркорлик субъектига 1370,7 миллион сўм миқдоридида микромолиявий хизматлар кўрсатилган. Бу маблағнинг салкам 286 миллион сўми 313 та тадбиркорлик субъекти ёки ишини энди йўлга қўйганларга бошланғич сармояни шакллантириш унун, 1047,2 миллион сўми эса 243 та кичик корхона ва фермер ҳўжалигига бизнесни ривожлантириш ёки айланма маблағларини тўлдириш унун ажратилди.

Банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи О.Бахриевнинг сўзларига қараганда, кредитлаш ҳажмининг ўсиши вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётганидан далолат беради. Бунда банк тизимини эркинлаштириш, айниқса, банк капиталининг оширилиши кредитлаш жараёнининг қисқа муддатларда қўриб чиқишли, ортқча қоғозбозлиқни камайтиришда муҳим омил бўлди. Солиқ соҳасининг, шунингдек, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашнинг эркинлаштирилиши эса лойиҳаларни молиялаштириш механизмининг барқарор йўлга қўйилиши унун сезиларли аҳамият касб этди. Давлат томонидан банкка кўрсатилаётган катта эътибор банк рейтингининг ошишида қўл келмоқда.

«Микрокредитбанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан бу йилги пахта ҳосили унун 1768 та фермер ҳўжалигига 10118,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу имтиёзли кредитлар пахта ҳосилини етиштиришда фермерлар томонидан агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлади. «Галла — 2008 ҳосили» унун эса жорий йилнинг сентябрь, октябрь ва ноябрь ойлари давомида ер майдони 18840 гектарга тенг бўлган 1926 та фермер ҳўжалигига жами 1438,7 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам бериш билан бир вақтда, миқозларга бошқа турдаги кредитлар ажратиш ҳам йўлга қўйди. Масалан, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк муассасалари томонидан 2007 йил 1 октябрь ҳолатига 885,7 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу кўзда тутилганидан 181 миллион сўмга кўпдир.

Банкнинг кредит портфелида лизинг



бўйича ҳам лойиҳалар мавжуд. Бунга Жомбой шаҳрида жойлашган «Дента Шухрат» хусусий фирмасига олиб берилган замонавий стоматология асбобусларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда фирма томонидан Жомбой тумани ҳамда шаҳри аҳолисига замонавий даволлаш хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Айни пайтда вилоят иқтисодиётининг узвий қисмига айлانган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизларнинг ўрни ортқиб бормоқда. Бинобарин, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Банк томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, йил бошидан буён уларга 751,5 миллион сўмдан кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Шу тариқа вилоятдаги, айниқса, қишлоқ жойларидаги юзлаб хотин-қизлар муҳим ишли бўлишди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи,

деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чора-тадбирларни кўпайтиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан жорий йилда 354 та кам таъминланган оилага 301,5 миллион сўм миқдоридидаги имтиёзли микрокредитлар берилди.

«Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида 140,8 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатиш режалаштирилган эди. Жорий йил 1 октябрь ҳолатига бу режа икки баравардан зиёд қилиб бажарилди. «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа кўрик-танлови»нинг туман босқичлари жорий йилнинг 7-10 ноябрь кунлари ўтказилди. Танловда юқори ўринларни эгаллаган голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Банкнинг бу сингари тадбирларда бош-қош бўлиши, сўзсиз, тадбиркорлар ўртасида унинг обрўсини оширмоқда. Бу эса, миқозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

БИЗНЕС ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига назар солганда, ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётгани, маҳсулотларнинг хорижий давлатларга экспорти ўсиб, жүрғудисия кенгаётгани яққол кўзга ташланади. Бу жараёнга мос равишда капитал маблағларни ўзлаштириш суръати ҳам муттасил ўсаяпти. Мавжуд молиявий механизмнинг барқарор ишлашида эса, бюджетдан ташқари ресурслар, айниқса, банк сармоясининг улуғи юқори.

Ўзбекистон — Германия «Савдогар-банк»нинг вилоятдаги филиали, бошқа тижорат банклари сингари ўз мавқеини мустаҳкамлаш, хизмат турлари ва сифатини ошириш, миқозларга қулайликлар яратиш ҳисобига янги ҳудудларни қамраб олиш — ўз бизнес доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда банкнинг қишлоқ туманларида бешта филиали ва 16 та минн банкни самарали фаолият кўрсатмоқда. Истиқболда уларнинг сонини ошириш бўйича изланишлар олиб бориляпти. Дарвоқе, саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини банк миқозларининг кўпаяётганидан ҳам билиш мумкин. Масалан, банк филиалларида миқозлар сони йил бошига нисбатан 25 фоизга ошди. Уларнинг асосий қисми фермер ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркорлардир. Банкнинг кредит ресурсларидан фойдаланувчилар ҳам айнан улар. Ўтган йили фер-



минн банклар ишбилармонларнинг талаб ва эҳтиёжларини тез пайқаб, шунга мос ҳаракат қилмоқда.

Дарвоқе, банк ҳозирги пайтда тадбиркорларнинг молиявий аҳволи, фаолиятдан келиб чиқиб, кредитлашнинг турли шаклларида кенг фойдаланмоқда. Таъминоти етишмаётган тадбиркорларга ликвид мулкни ёки бошқа тадбиркорлик субъектининг ликвид мулкни гаровга олиш билан кредитлар ажратилмоқда. Шунингдек, кафилик механизмларидан ҳам кенг фойдаланиляпти. Бу қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга, айниқса, мулк таъминоти етишмаётганда гоят асослимоқда. Банк инвестицион мақсадлар йўлида — асосий воситаларни харид қилиш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва ташкил этиш бўйича ҳам лойиҳаларни молиялаштиряпти. Шунинг баробарида, миқозларга лизингдан фойдаланиш афзалликлари батафсил тушултириб берилмоқда.

Вилоятда ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳоли реал даромадларининг ошишига олиб келмоқда. Бунга банкда аҳоли омонатларининг ўсишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 2007 йил 1 январь ҳолатига талаб қилиб олинганча ва муддатли жамғармалар 931 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йил 1 ноябрь ҳолатига бу кўрсаткич 1387 миллион сўмга етди ёки йил бошига нисбатан 456 миллион сўмга ўсди.

Банк ўз фаолиятида фақат аграр соҳада меҳнат қилаётган тадбиркорлар билан чегараланиб қолмай, иқтисодиётнинг реал тармоқларини ҳам ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда. Масалан, масъулияти чекланган «Сам-Негин» Ўзбек — Эрон қўшма корхонасига хомашё сотиб олиш унун шу йил икки йил муддатга 500 миллион сўм миқдоридида кредит берилди. Шунинг ҳисобига корхонада 11 та янги иш ўрни ташкил қилинди, бир йилда 1870,0 квадрат метр палас ва ковролан ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖГА МОС

Шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида «Халқ банки»нинг вилоят филиали жами активларининг 80 фоизини даромад келтирувчи активлар ташкил этди. Ушбу активлар ишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ ҳўжалик корхоналарини ривожлантириш, савдо-сотикни кенгайтириш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар: соғлиқни сақлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой қуриш ва таъмирлашга йўналтирилди.

Филиал томонидан юридик ва жисмоний шахсларга сифатли банк хизмати кўрсатиш, хусусан, банкда нақд пул барқарорлигини таъминлаш, нақд пул тушумини ошириш ва биринчи даражада тўловларни ўз вақтида тўлаш мақсадида банк бўйича 2007 йил 1

Биз юқорида Самарқанд вилоятининг иқтисодий ўсишида банкларнинг қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритдик. Банклар томонидан вилоят иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ инфратузилмасини ўзгартиришга қаратилган эътиборни имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Кузатишларимиздан шунга амин бўлдикки, банклар капитални вилоят агросаноат мажмуидаги ижобий ўзгаришларнинг катализатори бўлиб хизмат қилмоқда.

Насиба ИСМАТОВА,
«Адолат» муҳбири
З.ТўРАҚУЛОВ олган суҳбатлар.



Тарихий обидаларимиз

САМАРҚАНД АРКИ

Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд шахри тева-раги баланд мудофаа девори билан ўраб олинган ва деворнинг ташқи тарафи айланасига энли ва чуқур хандак билан мустаҳкамланган. Бу жой "Хисор" деб аталиб, унинг ғарбий томонидаги қир устига Арк қурилган. Арк шахарнинг Чингизхон вайрон қилган аввалги мудофаа деворини тиклаш билан бир вақтда амалга оширилган.

Амир Темур фармонига биноан, 1371 – 1372 йиллари Арк қурилишига ўз даврининг энг истеъдодли, тажрибали меъмор ва бинокор усталари жалб қилинган. Қурилиш ишлари амир Оқ буға раҳбарлигида олиб борилган. Арк деворининг баландлиги 8 метр, пастанд эни уч метрдан ортироқ қилиб тикланган, юқори қисмида душманни кузатиш учун махсус жойлар бўлган. Девор паҳса ва йирик хом ғиштдан тикланган. Арк дарвозасига туташган жойи ва қисман олд томонига пишиқ ғишт терилган. Арк ва ундаги биноларни қуришда мартшош, ганч, ёғоч ҳамда турли хил сирланган қошинлар ҳам ишлатилган. Маъмурий ва турар-жой бинолари аниқ режа асосида ихчам ва кўркам қилиб қурилган.

Арк ичида маъмурий би-

нолар, масжид ва мадрасалар, шоҳона уй-жойлар, 15 минг жилд ноёб китоблар жамланган улкан кутубхона, хазина ва тахт, зарбхона, ас-лаҳасозлик устаконалари, ҳаммом, ховуз, зиндон ва бошқа иморатлар жойлашган. Шунингдек, бу ерда маданий-маиший бинолар, сув иншоотлари, хунармандчилик устаконалари, дўконлар ва савдо расталари ҳам режа асосида жойлаштирилган.

Аркдаги ҳар бир бино ўз даврининг истеъдодли усталари томонидан бетакрор нафис нақшлар билан безатилган. Биноларнинг пойдевори мартмартосдан тикланган, нақшикор эшиклар қаттиқ сифатли ёғочдан ясалган, ҳашамдор дарвозаларнинг халқалари 7 хил маъдан қотишмасидан тайёрланган. Қалъа дарвозасининг сирти тунука қопланган. Аркнинг ҳар бир бурчагида айлана

пишиқ ғиштдан терилган минора бўлиб, сирти сирланган қошинлар билан қопланган.

Арк дарвозасининг ҳар бирида иккитадан қурилган соқчи турган. Буюк Амир Темур қурдирган бу Арк шунчаки истеҳком эмас, балки пойтахтнинг мустаҳкам маъмурий маркази бўлган.

Амир Темур қурдирган бинолардан яна бири – бу гузал қошоно Кўксаройдир. Тузилишига кўра тўрт қаватли бу сарой безакларида зангори сирланган қошинлар кўп ишлатилган боис Кўксарой, деб юритилган. Саройда хонни тахтга кўтариш тантанаси ўтказилган, элчилар, шаҳзодалар, олий мақомдаги меҳмонлар қабул қилинган.

Кейинги асрларда содир бўлган урушларда бунёдкор Соҳибқирон қурдирган Арк ва ундаги гузал нақшикор саройлар талон-торож қилинди, биноларнинг бири қисми эса вайронага айлантирилди. 1868 йилнинг 2 майида чор Россия қўшинлари томонидан Самарқанд истило қилинган, қалъа ва ундаги саройлар, бошқа бинолар босқинчилар қўлига ўтди. Истилочилардан бири бу

ҳақда шундай деб ёзган: "Биз ҳаммамиз, яъни Самарқандни забт этувчилар, генерал Кауфман изидан бориб, амир саройига жойлашдик. Баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал Кауфман, сарой атрофидаги уйларни биз – қароргоҳ аъзолари эгалладик. Генерал Кауфман хонаси билан бизнинг хонамиз Темурнинг ма-шхур тахт залига туташиб кетганди. Тўрда чиройли бўртма нақшлар билан зийнатланган катта оқ мрамар тахт – кўктойнинг айнан ўзи турар эди".

Истилочилар Амир Темурнинг қароргоҳи бўлган Аркдаги Кўксарой ва бошқа биноларни эгаллашиб, улардаги кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари, ўймакор эшиклар, олтин ва қумушдан ясалган зеб-зийнат буюмлари, тарихий лавҳалар, нодир қўлёзмаларни талон-торож қилишди. Арк ичидаги ва атрофидаги тарихий обидалар, айниқса, масжидларга, бозор ва ундаги дўконларга ўт қўйишди. Бинолар турли сабабларга кўра вайронага айланиб, узоқ вақтлар тўпроқ остида қолиб кетди.

Фақат 1923 йилдан бош-

лаб қадимшунос олим Мас-сон томонидан бу жой ўрганила бошланди. Харобага айланиб, асрлар давомида тўпроқ остида қолган Самарқанд қалъасида олиб борилган қидирувлар натижасида биноларнинг тузилиши ва қурилиш услуби, безаги, ер ости сув иншоотлари, қувурлар мутахассис олимлар томонидан илмий асосда ўрганилди. Қалъа ичидан пишиқ ғиштдан бир метру 10 сантиметр қалинликдаги девор қолдиқлари, бурама устунлар, мрамар панжараларнинг бўлаклари, ўсимлик ва ҳайвонлар, қушлар тасвири туширилган XIV – XV асрларга оид сопол парчалари топилди.

Аркнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Бўстонсарой ўрнидан кўк ва қизил рангли зарҳал плиталар, новдалари бир-бирига чирмашиган ўсимликлар тасвири туширилган оч ҳаворанг сопол идишлар топилди.

Хуллас, бу топилмалар XIV-XV асрларда Шарқдаги қудратли салтанат пойтахти – Самарқанднинг гуллаб-яшнаган маданияти ва жўшқин ҳаётидан далолат беради.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ



Кузнинг сўнгги кунлари...



Спорт

РАҚИБЛАРНИНГ КУЧСИЗИ БОРМИ?

Футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал босқичи бошланишига ҳали анча фурсат бор. Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг энг сара ва кучли ўттиз икки давлати терма жамоаси қатнашиш бахтига мушарраф бўлади.

Куни кеча Дурбан (Жанубий Африка Республикаси) шаҳрида мусобақанинг саралаш баҳсларига қўрғаш ташлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимни ЖАР президенти Табо Мбеки кириш нутқи билан очиб, сўзни ФИФА президенти Зепп Блаттерга берди. Сўнгра жаҳон чемпионати финал босқичи бўлиб ўтадиган Кейптаун, Блумфонтейн, Рустенбург, Келспрейт, Полокван, Порт-Элизабет, Йоханнесбург, Претория ва Дурбан шаҳарлари таништирилди.

Маълумки, ФИФА қарорига кўра, 2010 йилги жаҳон чемпионати финалига УЕФАдан 13, АФКдан 5, ОФКдан 4, КОНМЕБОЛдан 4, КОНКАКАФдан 3 та терма жамоа йўл олади. Яна икки йўлланма соҳибни Осиёнинг бешинчи жамоаси ва Океания минтақаси ғолиби ҳамда Жанубий Американинг бешинчи ва КОНКАКАФнинг тўртинчи терма жамоалари ўртасида ўтадиган "плей-офф" баҳсларидан кейин аниқланади. Мусобақа мезбонлари – ЖАР футболчилари финал босқичига тўғридан тўғри йўл олишади.

Осиё минтақасидан 41 та мамлакат терма жамоалари жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига киришган эди. Шу йилнинг 8 октябридан саралаш мусобақасининг дастлабки босқичида Ўзбекистон терма жамоаси Хитой Тайпейи футболчиларини икки учрашув натижасига (9:0, 2:0) кўра енгиб, тўғридан тўғри учинчи босқичга йўлланма олди. 2008 йилнинг февралдан бошланадиган мазкур баҳсларда Осиё қитъасининг 20 давлати вакиллари кейинги босқичга бериладиган 10 та йўлланма учун кураш олиб боришади.



Қўрғашга кўра, йиғирма иштирокчи тўрттадан беш гуруҳга бўлинди. Рауф Иниев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг IV гуруҳидан жой олган. Вакилларимизга гуруҳда Саудия Арабистони, Ливан, Сингапур вакиллари рақиб бўлади.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўри-ниш олган:

I гуруҳ: Австралия, Хитой, Ироқ, Катар.

II гуруҳ: Япония, Бахрайн, Уммон, Таиланд.

III гуруҳ: Жанубий Корея, КХДР, Иордания, Туркменистон.

V гуруҳ: Эрон, Кувайт, БАА, Сурия.

Мусобақа низомига кўра, Осиё минтақаси баҳсларида ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар кейинги босқичга йўлланма олади. Сўнгра 10 та жамоа бештадан икки гуруҳга бўлиниб, тўртта йўлланма учун курашни давом эттиради. Гуруҳларда учинчи ўринни эгаллаган жамоалар эса ўзаро учрашувлар натижасига кўра, 0,5 йўлланма тақдирини ҳал қилишади. Қитъамизнинг бешинчи терма жамоаси Океания минтақаси ғолиби билан куч синашиб, сўнгги йўлланма соҳибини аниқлайди.

А.ТУРДИЕВА



Ёнғин хавфсизлиги ойлари

ТИЛСИЗ ЁВ

ДАВРА СУХБАТИ

Республика Олимпия за-хиралари спорт коллежида маънавият ва маърифат ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча ушбу максадда Чилинзор туман ҳокимлиги, туман маънавият тарғибот маркази ҳамда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда "Тошкент – Ислон маданияти пойтахти" мавзусида дав-ра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда "Тошкент – Ислон маданияти пойтахти", "Гийҳандликнинг салбий оқибатлари", "Ислон терроризмга қарши" мавзуларида маърузалар тингланди. Қизиқarli ўтган давра суҳ-бати сўнггида талаба ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

Ёнғин – тилсиз ёв, катта офат. Аммо ҳамма ҳам бунни ўз вақтида тушуниб етавер-майди. Кўпчилик фуқаролар аксар ҳолларда ёнғин хавф-сизлиги қоидаларига амал қилмайди. Бу эътиборсиз-лик эса турли хил кўнгил-сиз ҳодисаларни келтириб чиқаради. Масалан, сигарет чекиб уни ўчирмаслик ёки дуч келган жойга ташлаб кетиш қутулмаганда ёнғин-ларга сабаб бўлиб, катта мулккий зарар етказиши. Ҳатто айрим ҳолларда бу инсонлар ҳаётига ҳам зо-мин бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ёнғин хавфсизлиги ойлари-ни ўтказиш тўғрисидаги Фармойишида соҳа ходим-

лари томонидан жойларда аҳоли ўртасида кенг миқёс-да тушунириш ишларини олиб бориш белгиланган. Айни кунларда мамлакат-мизнинг барча ҳудудлари-да – ўқув муассасаларида, ташкилот ва корхоналарда, маҳалла фуқаролар йиғи-ларида учрашувлар, турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу чора-тадбирлар ёнғин-лар сонининг камайишига катта омил бўлиб хизмат қилади, албатта. Зотан, ёнғин фавкулотда ҳодиса, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимизда.

Д.САЙДУЛЛИН,
Тошкент шаҳридаги
2-алоҳида пост
бошлиғи, капитан

Тахрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазонир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЕРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Татлят МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89

Манил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилиши.
t – Тижорат мақолада белгиси.

Нашр индекси – 100

Навбатчи – Б.БОТИРОВ
Саҳифаловчи – З.БАКИРОВ